

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (10.834)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Йиғилишларда 2006 йилда парламент Омбудсман фаолиятида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратилгани таъкидланди.

● Жиззах вилояти ҳокимлигида республика Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Қонунилари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарори жойларда қандай бажарилаётгани, галдаги вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Самарқанддаги иқтисодий ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда «Тизимда маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш омиллари ҳамда вояга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

● Қорақалпоғистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллар)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида баркамол авлодни тарбиялашда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада тақомиллаштиришга бағишланган анжуман ўтказилди.

● Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежиде ахборот кутубхона маркази очилди. Унда қарийб 46 минг бадий, ижтимоий-сиёсий китоблар, ўқув қўлланмалари мавжуд бўлиб, айти пайтада ахборот-ресурс марказини тўла компьютерлаштириш, китобларнинг электрон вариантини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

● Наманганда «Биз — ягона, аҳил мамлакат фарзандларимиз!» шiori остида ёшлар дўстлик карнавали ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Навбатдаги олти томонлама музокаралар чоғида Шимолий Корея делегацияси йилга 500 минг тонна нефть эвазига ўзининг атом реакторидан воз кечишини маълум қилди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Бунинг эвазига КХДРга нисбатан қўлланган молиявий санкцияларни бекор қилиш, шунингдек, Шимолий Корея номи халқаро терроризмга кўмаклашувчи мамлакатлар қаторидан чиқариб ташлаш талаб этилади.

● Исроил ҳукумати мамлакат армия бош штаби раҳбари лавозимига 53 ёшли генерал Гоби Ашкеназининг номзодини бир овоздан маъқуллади.

● Америкалик астронавт Сунита Уильямс аёллар ўртасида очқоқ коинотга чиқиш вақти бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. Гап шундаки, халқаро космик станцияси экипажи кеча яна бир бор очқоқ коинотга чиқиб Сунита Уильямс ва Майкл Лопес-Алегрриа бордан ташқарида етти соатдан ортиқроқ вақт бўлиши ва улар совуқтининг янги тизимини ўрнатиши. Шу тартиқа Уильямс ҳаммаси бўлиб очқоқ коинотда 22 соату 27 дақиқа бўлди.

● Бир неча кундан буён тинмай ёғайтган ёмғирлар оқибатида Индонезия пойтахти Жакартнинг тўртдан уч қисми сув остида қолди. Баъзи жойларда сув сатҳи 4 метргача кўтарилган. Оқибатда 29 киши ҳаётдан кўз юмди, 340 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга эвакуация қилинди. Шаҳарнинг сув босган қисмида электр қуввати, телефон алоқалари узиб қўйилган.

● Кеча Англия пойтахти Лондон шаҳри марказида машҳур Скотланд-Ярд маҳкамасидан 180 метр нарида жойлашган компаниялардан бирининг офисида мактуб-бомба портлади. Унинг натижасида мактубни очган аёл киши жароҳатланган. Ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

● Жанубий Кореянинг «Hyundai Motor» корпорацияси раҳбари Чан Мон Гу Сеул суди томонидан уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Прокуратура томонидан олиб борилган тергов ишлари натижасида жаноб Чан Мон Гу ўз ваколатини суистеъмол қилиб, компаниянинг пулларини сουργанлиги аниқланган. Дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири ҳисобланган «Hyundai Motor» нинг камомади 74 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

● Италиянинг Сицилия шаҳрида «Катания» ва «Палермо» футбол жамоалари ўйинида фанатлар ва безори ишқибозлар ўртасида чиққан жанжал оқибатида 38 ёшли полициячи Филиппо Рачити ҳаётдан кўз юмганлиги муносабати билан Италия футбол федерацияси қарорига кўра миллий чемпионат ва терма жамоанинг ўйинлари номаълум муддатга тўхтатиб қўйилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар


МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ОРТИШИ, МАҲСУЛОТНИНГ БОЗОРБОП ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ УЧУН ХОРИЖИЙ БУЮРТМАЧИЛАРНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ, АЛБАТТА, ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШ, МАРКЕТИНГ ИШЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БОЗОРНИ ТИНМАЙ ЎРГАНИШ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚУВВАТИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

Россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Ўзэлектроаппарат» корхонаси негизда ўтган йил бошида фаолият бошлаган «Ўзэлектроаппарат — Электрошит-Самара» очик акциядорлик жамияти кўшма корхонасида ана шу талабларга қатъий амал қилган ҳолда иш юритиш қисқа давр мобайнида ўз самарасини кўрсатмоқда. Корхонада замонавий линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган электротехник жиҳозлар, юқори ва паст кучланишли электр ускуналари нафақат ички бозорда, балки хориж бозориде ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўтган фаолияти давомида корхона мутахассисларининг изланишлари юксак самара бериб, янги турдаги маҳсулотлар салмоғи ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда паст ва юқори кучланишли электр жиҳозлари ҳамда энергетика соҳасида ишлатиладиган қўллаб маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг 70 фоиздан зиёди корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнати эвазига қондириладиганини айтиш лозимки, келгусида ушбу кўрсаткичнинг 100 фоизга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Корхонада ҳозирда конструкторлик ва технологик бўлимлар муваффақият билан фаолият кўрсатиб, улар янги маҳсулот турлари ҳамда эски жиҳозларни модернизация қилиш устида иш-



лашмоқда. Россия, Финляндия, Швециядан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар эса харидор талабини тўла қондириб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ниҳоятда қўл келмоқда.

Корхонада ўтган йилда турли хил металл конструкция маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот турларини бозор асосида янгилаб бориш мақсадида эса корхона цехлари юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари яратилмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда корхонада Европада тайёрланган энг замонавий ускуналарни ўрнатиш ҳамда хорижга сотишга мўлжалланган маҳсулот турлари-


ни тайёрлаш дастури асосида иш олиб борилмоқда. Маҳсулотлар Россия ва Қозғоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Албатта, ўтган йил муваффақияти жорий йил режаларига ҳам асосий туртки бўлади. Шу боис ҳам 2006 йилни ютуқлар билан яқунлаган жамоа аҳли 2007 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга ошириш, ўнлаб кўшимча ишчи ўринлари яратишни кўзлашмоқда. 2008 йил охиригача эса россиялик инвесторлар киритган сармоялар ҳажми 5 миллион долларни ташкил этиши режаланган.

Бугунги кунда маҳсулот турларининг 100 хилдан ортганини таъкидлаган ҳолда, энг муҳими бутловчи қисмларнинг 80 фоизга яқини ўзимизда тайёрланаётганини, сифатга қатъий эътибор билан ёндошилаётганини айтиш ўринлидир. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришда, буюртмачилар сафини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Экспорт ҳажмини янада ошириш — тадбиркорларнинг жорий йилдаги асосий мақсадлари сирасига киряди.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари Саттор Турсунов ва Мирқодир Умаровлар ўзаро мулоқотда; монтажчи Мирвоҳид Жавҳаров ўз касбига ихлоқ кўйганлардан.

Наталья Семёнова олган суратлар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан шахсан ўз номидан ва Сенатнинг халқаро алоқалар қўмитаси номидан йўллаётган самимий табригимни қабул қилгайсиз. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) мазкур қарори Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда, жумладан, пойтахт Тошкентда минтақавий маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг яна бир эътирофидир.

Ижозатингиз билан яна шунини таъкидламоқчиманки, Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бутун Осиё қитъаси учун катта шарафдир.

Яқинда Покистон парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикасига таширф буюриб, самарали музокаралар ўтказди ва биз самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигидан гоят миннатдоримиз. Бу самимият мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва биродарлик ришталаридан яна бир далолатдир.

Эзгу тилаклар билан,

Мушоҳид Хусайн САИД, Покистон Ислום Республикаси Сенатининг Халқаро алоқалар қўмитаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Тарихий аҳамиятга молик воқеа — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан йўллаётган самимий табригимни қабул этгайсиз.

Ушбу қарор ислом кадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлишига ишончим комил эканлигини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Самарқанд ва Бухоро Ўзбекистоннинг бой ва буюқ тарихидан далолат берувчи шаҳарлар сифатида ислом тарихи солномасидан ҳақли равишда мангу жой олган.

Сизнинг ҳукуматингиз томонидан ислом цивилизациясининг маърифий кадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида изчил сиёсат олиб борилаётганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром билан, Акбар Аҳмад ЎЗГЕН, Покистон — Ўзбекистон маданияти жамияти президенти

ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизда барча коммунал хизматлари кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектлар, муҳандислик тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг тақлифларингизни инobatта олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ яқунлаш, шунингдек аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақса-

дида уй-жойлар тасарруфида аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва кунун тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизматига **0-55 ТЕЛЕФОНИ** орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади. **Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда қўтилган натижаларга эришишга асос бўлади.**

Кечка сатрларда

● **СОБИР** Рахимов туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан КЕЧА маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида уюштирилган йиғилишда маҳалла тизимини шакллантиришда хотин-қизларнинг роли муҳокама қилинди.

● **ЮНСУБОД** туманидаги Жомий, Фирдавсий, «Отчопар-1», «Оқтепа», «Бободоҳқон», «Янгиобод», «Обод», «Хиёбонтепа», «Богшамол», «Чоштепа» маҳаллаларида Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Республика «Оила» маркази ҳамкорлигида ёш болалари оналар, маҳаллаларнинг фаол аёллари иштирокида Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган оилалар фарзандларига кўрсатиладиган моддий-маънавий кўмакларнинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбатлари уюштирилди.

● **БУГУН** Яққасарой туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол, тадбиркор аёллари иштирокида тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларни қўллаб-қувватлашда «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликни кучайтириш чораларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ШАЙХОҲТОХУР** туманидаги Тошкент матбаа коллежиде ўқувчи қизлар ўртасида стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилик иштирокида диний экстремистик оқимлар ва уларнинг зарарли оқибатларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Алишер Навоий — сўз мулки-

нинг султони» мавзуида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юрталарининг талаба қизлари Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети-нинг сув спорти мажмуаларига экскурсия қилишди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти ҳамда «Камолот» ЕИҲ ҳамкорликларида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни масаласига бағишланб КЕЧА уюштирилган форум «Қишки мактаб» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Инсон ва қонун

ДЕМОКРАТИК-ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВРИМИЗНИНГ ЎТА МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҲАМДА СИЁСИЙ-АМАЛИЙ АХАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАСИ БЎЛИБ, УНИНГ БУНЁД ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ЖАМИЯТИМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН ТАРИХИЙ ВАЗИФАДИР. ШУ БОИСДАН ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ МУҚАДДИМАСИДА «ИНСОНПАРВАР ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ...» МУҲИМ ВАЗИФА ЭТИБ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.

Бу олий мақсад мустақил Ўзбекистонда давлатчилик ва ҳуқуқни ривожлантириш сиёсатидан келиб чиқиб, қатор принциплар, омиллар ва шарт-шароитлар билан белгиланади. Уларнинг ахтариштириш ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг иқтисодий омили демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда энг таъсирчан омиллардан биридир. Бунда шартнома шартлари ёки қонун асосий мезон ҳисобланган ҳуқуқий ўзаро муносабатлар принциплари аниқ риоя қилиш зарурлигини ҳисобга олиш лозим.

Хусусий мулкчилик шаклланаётган жамиятда қонун устуворлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг қарор тоғиши ва ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши, унинг демократик ҳуқуқий давлатга муқобиллиги жамиятда қонун устуворлиги та-

мойилига қанчалик амал қилинишига боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий маданият ҳам демократик ҳуқуқий давлат ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шубҳасиз, бу омил демократик ҳуқуқий давлат ривожда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ижтимоий муносабатлар тизимида давлатнинг иштироки торайтирилиши демок-

рати ва мутлақлигига таянган ҳолда амалга оширилади. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти ҳақиқат, виждон, тўғрилиқ, эркинлик, адолат ва ҳоқозоларни акс эттирувчи ҳуқуқий нормалар билан боғланган бўлиши керак. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида халқ институтининг юридик мустақиллигини катта аҳамиятга эгадир: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

Бинобарин, 2001 йилнинг 6 декабрида иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг еттинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. 2002 йилнинг 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат

Хар қандай сиёсий воқеа, агар у мамлакат фуқароларининг ишонч ва орозу-умидларини акс эттирган бўлса албатта ҳаракатлантирувчи кучга, тараққиёт омилига айланади. 2002 йилнинг 27 январда бўлиб ўтган референдум айна ана шу жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этади. Айна референдум халқ ўз хоҳиши-иродасини эркин ифода этишга қодир эканлигини, рўй бераётган воқеаларга муносабатини очиқ-ошкора намоён этишини кўрсатди.

Демократияни чуқурлаштириш омилларидан бири—кўппартиявийликдир. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қила олади. Бироқ, ундан ҳам улғурок манфаатлар-халқ, жамият, давлат манфаати сингари олий эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партияларнинг гоёлари ва мафкуралари умумий йиғиндисидан, турли қарашларнинг ўйинлигидан келиб чиқади. Референдум натижалари буни яққол кўрсатди.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг давлатимиз раҳбари илгари сурган асосий тамойилларидан яна бири—қонун устуворлигини таъминлашдир.

Бу айна инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг бош принципидир. Зотан, инсон манфаатлари ҳимоя қилинган, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган жамиятни қонунлар бошқаради.

Шунингдек, қонунларнинг тизимлиги, бир-бирига зид эмаслиги ва амалийлигини таҳлил қилиш механизми бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтлари қаторига қўшиш мумкин.

Ўқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий истиқболи Конституция ва қонунларнинг устуворлигини функциялар таъминлаш даражасига, ҳокимиятни ажратишга, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга, монополияга қарши механизмлар яратилишига, халқ ва давлат мустақиллиги, сайлов тизимини тақомиллаштиришга, суд ва адвокатуранинг мустақиллигинини таъминлашига, давлат ва шахснинг ўзаро масъулиятига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Асалхон ҲАСАНОВА,
Тошкент Молия институти талабаси

Ислохотлар оқимида

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

муқаддими беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари миллий давлатчилик институтларини ислох қилишнинг конституциявий тараққиёт босқинини бошлаб берди. Референдумда қабул қилинган қарор ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг янги босқичи бўлиб қолди. Ушбу сиёсий воқеа фуқароларнинг мамлакатимиз мустақиллигига бўлган муносабатини, ишончини ёрқин ифода қилди.

Янги замон талабларига мувофиқ ҳокимият органларининг фаолиятини қонун билан аниқ тартибга солимай туриб ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш бўйича олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ томонидан қўллаб-қувватланадиган қирчи ва адолатли ҳокимият, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти келажик буюқ давлатни барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бунда яна бир имтиёз кўзда тутилган, яъни корхоналар ўз фаолиятлари давомида хизматлари ва товарларни сотишни пластик картончалар орқали амалга оширсалар, белгиланган солиқ ставкаси яна 10 фоизга камаяди.

Коммунал хўжалик корхоналари, яъни сув, иссиқлик ва «Узтрансгаз» АКнинг газ таъминотини амалга оширувчи худудий унитар корхоналари 2007 йилдан бошлаб, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратилган ҳисоблаганда қўшилган қиймат солиғидан ташқари, сотиб олинган сув, иссиқ сув ва табиий газ қийматини ажратма туланадиган базадан чегириб ташлайдилар.

Шунингдек, 2007 йилда ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга эса 2006 йилдаги имтиёзлар сақланиб қолди, яъни эркин муомаладаги валюта ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарга умумий тушумда экспорт ҳажми 15-30 фоизгача бўлса солиқ ставкаси 30 фоизга камаяди, умумий тушумда экспорт ҳажми 30 фоиздан юқори бўлса солиқ ставкаси 50 фоизга камаяди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўлланяётган ҳар бир Фармон ва қарорлар Ижтимоий ҳимоя йўлида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига тушаётган солиқ юкани камайтириш ва ўз навбатида уларнинг моддий аҳолини яхшилашга қаратилгандир.

Жаҳонгир СОЛИХОВ,
«Хўжалик юртувчи субъектларда ҳужжатли ва назорат тартибдаги текширишларни ташкил этиш» бўлими бош давлат солиқ инспектори.

Шуни таъкидлаш лозимки, бунда яна бир имтиёз кўзда тутилган, яъни корхоналар ўз фаолиятлари давомида хизматлари ва товарларни сотишни пластик картончалар орқали амалга оширсалар, белгиланган солиқ ставкаси яна 10 фоизга камаяди.

Коммунал хўжалик корхоналари, яъни сув, иссиқлик ва «Узтрансгаз» АКнинг газ таъминотини амалга оширувчи худудий унитар корхоналари 2007 йилдан бошлаб, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратилган ҳисоблаганда қўшилган қиймат солиғидан ташқари, сотиб олинган сув, иссиқ сув ва табиий газ қийматини ажратма туланадиган базадан чегириб ташлайдилар.

Шунингдек, 2007 йилда ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга эса 2006 йилдаги имтиёзлар сақланиб қолди, яъни эркин муомаладаги валюта ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарга умумий тушумда экспорт ҳажми 15-30 фоизгача бўлса солиқ ставкаси 30 фоизга камаяди, умумий тушумда экспорт ҳажми 30 фоиздан юқори бўлса солиқ ставкаси 50 фоизга камаяди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўлланяётган ҳар бир Фармон ва қарорлар Ижтимоий ҳимоя йўлида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига тушаётган солиқ юкани камайтириш ва ўз навбатида уларнинг моддий аҳолини яхшилашга қаратилгандир.

Мирзо Улугбек тумани ДСИ «Хўжалик юртувчи субъектларда ҳужжатли ва назорат тартибдаги текширишларни ташкил этиш» бўлими бош давлат солиқ инспектори.

Солиқ

КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУГУНГИ КУНДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН СОЛИҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ, ИҚТИСОДИМИЗ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШИШ ИСТАГИДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА АҲОЛИНИНГ МОДИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН. РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 18 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2007 ЙИЛГА АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИНИНГ ҲАМ БУ БОРАДАГИ АҲАМИЯТИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

Мазкур Қарорга кўра хўжалик юртувчи субъектларга янада енгилликлар ва кенг имкониятлар яратилди. Қарорда кўзда тутилган айрим солиқ ставкаларининг камайтириш Республикада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва jisмоний шахсларга 2007 йилда қўшимча даромадга эга бўлиш, яъни солиқ ставкаларининг камайтириш ҳисо-

бига иқтисод қилиб соф фойдани ошириш имкониятини яратди. Ушбу Қарорда кўзда тутилган айрим ўзгаришларга тўхталадиган бўлсақ унда юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ўтган йилга нисбатан 2 фоиз камайдди, яъни 2007 йилда 10 фоизни ташкил этди. Тижорат банклари 17 фоиз, аукционлар, оммавий концертларни ташкиллаштирувчи гастрол-концертларни ўтказиш учун лицензияга эга корхоналар 35 фоизли ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайдилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини 2006 йилда 13 фоизли ставка бўйича тўлаган бўлсалар, 2007 йилда эса 10 фоизли ставка бўйича ягона солиқ тўловини амалга оширадилар. Янгилликлардан яна бири — янги ва умумий оқватланиш ташкилотлари ҳам 2007 йилдан ягона солиқ тўловини тўлайдилар, бунда умумий оқватланиш ташкилотлари япни тушумдан 10 фоиз (ўқув муассасалари умумий оқватланиш корхоналари 8 фоиз) ставка билан, савдо ташкилотлари эса япни тушумдан 5 фоизли ставка бўйича тўловларни амалга оширадилар. Лекин савдо ташкилотлари бўйича юқоридаги тартиб иқтисослашган ул-гуржи савдо базаларига тегишли эмас, улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги «Иқтисослашган улгуржи савдо базаларини солиққа тортиш тартибни тақомиллаштириш тўғрисида» ги Қарорига асосан солиқ тўлайдилар.

Осоийшталигимиз посбонлари

НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

МАЪЛУМКИ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАСИ ҲАЁТИМИЗДА ОЧИҚ-ОЙДИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. БУНДА АЛБАТТА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ФАРМОНИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ БИР ҚАТОР ҚАРОРЛАРИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Ушбу ҳужжатлар моҳиятида жиноятчиликка қарши курашишдан кўра унинг олдини олишнинг афзаллиги акс эттирилган бўлиб бундан профилактика инспекторларининг халқ дарди-ташвиши билан яшашлари ва зарур вақтда ёрдам беришлари, барча муаммоларни маҳалларнинг ўзида ҳал қилиш каби хайрли мақсадлар қўзланган эди.

Бугунги кунда республикамизда 3539 та милиция таянч пункти фаолият юритаяпти. Уларнинг 2345 таси атрофида турли тўғрақлар, 1887 тасининг атрофида кичик бизнес шохобчалари, 2784 таси атрофида воғга етмаган ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт майдончалари барпо этилган.

Кунни кеча ушбу кўрик-танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди ва унда энг яхши кўрсаткичларга эришган 14 та милиция таянч пункти иштирок этди.

Ҳалиги аниқлаш учун ишчи гуруҳи томонидан ушбу милиция таянч пунктлари фаолияти кенг таҳлил қилинди, асосий эътибор пунктларнинг маданий-маърифий кўргазмали ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланганлиги, фуқароларга яратилган шарт-шароитлар, унинг атрофида спорт майдончалари ва кичик бизнес тармоқларининг мавжудлигига қаратилиб ҳолисона баҳо берилди. Ҳалиги йилда «Дамас» автомашинаси, кимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар топширилди.

Ҳалиги йилда шажимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласи 13-милиция таянч пунктнинг ҳам урин олгани бизни жуда тўлқинлантириб юборди. Биз Журжоний маҳалласига бориб маҳалладошлар қувончига

шерик бўлдик. Озода, шинам кўчалар, барча шарт-шароитлар яратилган маҳалла идораси, тинч-осуда маскан уларнинг шу номга муносиб эканлигидан дарак бериб турарди.

— Маҳалламизда 3000 га яқин аҳоли истиқомат қилади. 2005-2006 йилларда биронта жиноятчилик содир этилмади,—дейди биз билан суҳбатда Журжоний маҳалласи оқсоқоли Бахтинур ака Саидов.—Бунда албатта маҳалламизда жойлашган милиция таянч пункти инспектори, капитан Ботир Каримжоновнинг хизмати катта. Яна бунда ҳамкорликдаги ишларимиз натижаси, деб биламан. Инспекторимиз ёнида ҳаммиса сакинч нафар посбонимиз, посбонлар сардори Ғайбулла ака Шомуродов, хотин-қизлар комиссияси раиси Дилбар Насриддинова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Сурайё Ғиёсова ва фаоллар турадилар. Мас-

лаҳатлашиб, ишни пухта режалаштириб кейин амалга оширадилар. Айниқса, ёшлар, воғга етмаганлар, ёш болалар, қўмаққа муҳтож оилалар, тарбияси оғирроқ бўлган ўқувчилар билан мунтазам иш олиб борилади. Уларнинг кўнглига йўл топиб, тўғри йўлга бошлангани учун ҳам маҳалламиз тинч-осойишта, ҳар хил кўнглисиз воқеалар содир этилмайди, бирон нима содир бўлса аҳоли қаёққа мувожаат этишини билади. Мақсадимиз элимиз тинч, хонадонларимиз обод, ўсиб келаятган фарзандларимиз соғлом, баркамол бўлсин.

— Маҳалладаги тинчлик-хотиржамликни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бораётган хизматларимизнинг муносиб тақдирлини бизни янада руҳлантириб, фуқаролар билан ҳамкорликни кучайтиришга, элимизнинг тинч, осуда ҳаёт кеңиришларига муносиб ҳисса қўшишга чакирради,—дейди танлов ғолиби, 13-милиция таянч пункти инспектори, капитан Ботир Каримжонов.—Бу мукофот бутун маҳалламизга кўрсатилган катта эътибор ва ишончдир. Биз уни албатта оқлаймиз.

Биз ҳам юксак мукофотга сазовор бўлган Журжоний маҳалласи аҳлини муваффақиятга етказиб берган ҳамкорликдаги ишларимизга бошқа маҳаллалар ҳам қўшилишни астойдил тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: танлов ғолиби 13-милиция таянч пункти инспектори капитан Ботир Каримжонов.

Ҳақимжон Солиқов
олган сурат



Иқтисодиёт

ҚАДОҚЛАШГА ЭЪТИБОР

БУГУНГИ КУНДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СИФАТЛИ ҚАНДОЛАТ ВА МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ОЛГАН «ЗЕБУНИСО ОНА» КОРХОНАСИДА ХОРИЖИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯЛАРИ ҚУВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛНИЛМОҚДА.

«Зебунисо она» ёрлиги билан чиқарилаётган ширинликлар ҳамда «Макас» савдо белгисидagi макаронларнинг турфа хиллари ички бозорда харидорини тоғлан бўлиб, сифати ва қадоқланиши билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритилиб республикада етиштирилган мева ва сабзавотлар шартларидан ҳам маҳсулот тайёрлашда оқилона фойдаланилмоқда. Бу эса экологик тоза ва мазали маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхона маҳсулотларининг тури 100 хилдан ортиб, булар 60 хил қандалот ҳамда 30 турдан зиёд макаронлардан иборат. Энг асосийси эса ушбу маҳсулотларни харидор талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб қадоқлашга эътибор кучли.

Турли кўрик-танлов, ярмарка ва савдо кўргазмалардаги иштироки тадбиркорлар фаолиятининг ривожига, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, шартномалар тузишда ҳам ютуқларга эришилмоқда. Айтиш жоизки, корхона мутахассисларининг изланишлари асосида йод концентратидан фойдаланган ҳолда тайёрланган карамель маҳсулотлари Латвия ва Италия давлатларида ўтказилган халқаро кўрик-танловларда эътироф этилиб, совринли уринларга сазовор бўлган. Жорий йилда ҳамма қандалотчилари маҳсулот турларини кўпайтириш, экспортни йўлга қўйиш йўлидаги изланишларни давом эттиришмоқда.

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР АЙНИҚСА ЁЗ ФАСЛИДА ХАРИДОРГИР БЎЛАДИ. ЛЕКИН ҚИШ ФАСЛИДА ҲАМ СИФАТЛИ САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН, ХАРИДОРЛАРИ ТОПИЛАДИ.

Шу боис ҳам ўз салқин ичимликлари билан ички бозорда ўрин тоғган «SIBUR» корхонасида маҳсулотлар турлари кўпайиб, рақобатбардошлиги ортишига катта эътибор қаратиляпти.

—Ўтган беш йил мобайнида, албатта, эришган ютуқларимиз салмоғи корхонамиз ривожини ва харидорларимиз сафи кенгайиши билан белгиланади,—дейди корхона директори Улугбек Ҳайитов.—2001 йилда иш бошлаган кичкина цех бугунга келиб катта бир корхонага айланди. 3 та ишлаб чиқариш цехида 30 хилдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқаришмоқда. Уларни бозор талабидан келиб чиққан ҳолда 0,5, 1 ва 1,5 литрлик пластмасса идишларда қадоқлаямиз. Ҳамиша ўз нуфузимизни туширмасликка ҳаракат қиламиз. Бунинг учун сифатга эътиборни буша-тирмаймиз, интизомга ҳар бир ходим қатъий риоя қилади.

Корхонада асосий ишлаб чиқариш линиялари Италия ва Польша давлатларидан келтириб ўрнатилган. Маҳсулот тайёрлашда эса Германия ҳамда Австралиядан олиб келинган концентратлардан фойдаланилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида корхона маҳсулотлари «Йилнинг энг яхши салқин ичимлиги» деб эътироф этилган.

Жорий йилда янги линия келтириб ўрнатиш, маҳсулот турларини кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, «SIBUR» шартларини тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Корхона салқин ичимликларига Афғонистон давлати харидорлари ҳам қизиқиш билдиришмоқда. Албатта, шу боис ҳам маҳсулот экспорти устида сайё-ҳаракатлар давом этмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ИШ ЮРИТАЁТГАН КИЧИК КОРХОНАЛАР, ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН УЛАРГА ЯРАТИЛГАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТУФАЙЛИ СЕЗИЛАРЛИ МУВАФФАҚИАТЛАРГА ЭРИШМОҚДАЛАР.

Пойтахтимиздаги «PARIZOD» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бу борада самарали сайё-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Хозирги кунда мазкур жамиятда 60 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Эътиборли томони, жорий йилда ҳам корхона тадбиркорлари икки-уч ой ичида яна кўплай янги иш ўринлари яратишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ушбу иш жойларига асосан ёшлар қабул қилиниши режаланган. Тажрибали, моҳир тивувчилар уларга касб сирларини ба-жонидил ўргатишлари бу ерда хайрли анъанага айланган.

Қўли гул чеварлар, моҳир бичкичи, дизайнчи, усталар буюртма асосида асосан аёллар учун анъанавий либослар — классик услубдаги костюм-юбка, кўйлак, шим, замонавий кийимлар; ўқувчилар учун бежирим, қўлай формалар тикиб, сифатга асосий эътибор қаратганлари боис ҳам ўтган—2006 йилда 40 миллион сўмлик буюртмани бажаришди.

Мазкур жамият тадбиркорларининг самарали сайё-ҳаракатлари, изланишлари, соҳадаги янгилликлардан хабардор бўлиш каби хизматлари замон талабидан келиб чиқмоқда. Қувонарлиси, аниқ режалар асосида иш юритаётган корхона тадбиркорлари янги-янги маҳсулот турларини яратиш устида изланмоқдалар.

«ПОКИЗА» МАҲСУЛОТЛАРИГА ЯНА БИР СОВРИН

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА СУПЕРМАРКЕТ, САВДО ШОХОБЧАЛАРИДА «ПОКИЗА» ВА «ХАЛОЪ» САВДО БЕЛГИЛАРИ ОСТИДА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА АЛЛАҚАЧОН МАНЗУР БЎЛГАН ГЎШТ, КОЛБАСА ВА МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА — «ТОХТАНЙОЗ-ОТА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ ЯНА БИР БОР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

Мазкур корхона жамоасининг бугунги кунда товуқ ҳамда мол гўштидан ҳамюртларимиз дастурхонига тайёрлаётган маҳсулотлари 50 турдан ортиқ бўлиб, сифати, қадоқланиши нафақат юртимизда, балки Париж, Нью-Йорк ва ўтган — 2006 йил охиридаги анъанавий тарзда ўтказиб келинётган Халқаро «Йил танлови — 2006» фестивали-танлов (элликта номинатсия бўйича ўтказилган кўрик-танловда совриндор бўлди. Жумладан, фермер хўжалиги томонидан «Gemell» савдо белгиси билан тортиқ этилаётган сифатли, хушхўр, қўлай қадоқланаётган макарон маҳсулотлари ҳам харидорларни мамнун қилмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



МАШРИҚЗАМИН—ХИКМАТ БЎСТОНИ

Бировким, хирадманднинг нуқтасин Кулогига олмас, не нуқсон мунга. Жаҳоҳирни термак анга сазъ эса, Эрур сочмағлиг худ осон мунга. Биров доно насиҳатини кулогига илмаса, бундан у ҳеч нарса йўқотмайди. Эшитувчи учун маъно дурларини териш мушкул бўлса, айтувчига уларни сочиш осон.

Бировким, илм ила бўлди баруманд, Анга ким ворис ўлди, бўлди фарзанд. Магар илм ичра бўлмай бирга қонъ, Баридин баҳравар бўлсанг, не монъ!

Илмининг юксақ чўққиларини забт этган кишига ким ворис бўлса, унга фарзанд кабирдир. Бас, озгина ўрганганига қаноат қилмай, уларнинг барчасини ўзлаштириб олганига нима етсин!

Бировким, жабҳасида чин эрур, тут олмас Мурод шоҳиднинг соидини коми била. Агарчи фанида соҳибкамол эрур сайёд, Қачон балиғ тут олмай су мавжи доми била.

Биров ўз соҳасида ҳар қанча моҳир бўлмасин, ниятининг ўзи билангина мақсад гўзалнинг қўлини тут олмайди. Овчи ҳар қанча устаси фаранг бўлмасин, сув мавжи ёрдамида балиқ тут олмайди.

Бевоб ҳамдамликка ярамас, нопок махрамликка ярамас. Золим ҳамдамликка ярамас, нопок махрамликка.

Бировким, ёлгон сўзни бировга боғлағай, Уз қора бўлган юзин ёғлағай.

Бўлмаса сўз, ажаб бало бўлғай, Булбули нутқ бенаво бўлғай.

Бухл эрур барча сифатларин хасис, Лек саҳо жавҳари асру нафис.

Баҳиллик инсоний сифатларнинг энг тубанидир. Лекин саҳийлик гавҳари жуда гўзалдир. Базда ким лутфни қилмас хато, Зоҳир этар бир йўли икки ато.

Эҳсон қилишда ким марҳаматини дариг тутмаса, икки марта эҳсон этгандай бўлади. Бухл ила чун ютти садаф дурри соф, Қилдилар олмағида кўксин шикоф.

Садаф баҳиллик қилиб, покиза дурни ичига ютгани учун уни олиш мақсадида кўксини ёрдилар.

Бурунги йиллар ошлиқни яхши асрангим, сўнги йилларда ярағай.

Барча ўз намоишу оройишига алил ва бу ўз кошларида махбублуққа далил.

Барча ўзига зеб беришу ўзини кўрсатиш дардига мубтало: ўларининг наздида бу эътиборни жалб қилишу севимли бўлишининг сабаби эмиш.

Бинандадур ўлса киши ўз айбига ҳозир, Кўз очма бўлурга ёналар айбига нозир.

Кўнгул кўзи очик киши фақат ўз айбини кўради. Кўзининг бошқалар айбини кўриш учун очма.

Бўлди чу эл қилганига айбўй, Мумкин эмас бўлмамағи айбўй.

Одамларнинг ҳар бир ишидан айб қидирадиган киши уларнинг айбини айтмаслиги мумкин эмас.

Бодаки, йикмоқ сари-ўқ майлидур, Жисм уйига, билки, бало сайлидур.

Мақсади ўз ичунисини йикитиш бўлган май инсон жисми биносига ёпирилган бало селидир.

Бадмастқа дамодам ичмақдин не баҳр — Ким, одамайлик қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ захр.

Майхўр устма-уст ичишдан нима баҳра топади? Одамгарчилик қиёфасини буткул йўқотиш учун босиб-босиб захар ичаётганга ўхшайди.

Бўлса гаминг, жонингга солма алам, Бир гам эрур бас, емагил икки гам?

Баҳр ичраки, тушса бенавоё, Қиқрой агар урса дасту поё.

Қўл-оёғини қимирлатса, яъни сузишга ҳаракат қилса, сувга чўкаётган киши қутулиб кетиши мумкин.

Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ Хушроқки, ёмон била ҳамовард ўлмоқ.

Ёмон билан таллашиб яшагандан ёлғизлик ва хасталик кўйида ўлган яхши.

Бар дўстии даҳр манех дил, чаро, ки ту, Бас, дўсти заифию ў душмани қавий.

Дунёнинг дўстлигига ишонма, чунки сен бир заиф дўстсан-у, у кучли душман.

Баландро чу охир хоксорист, Биҳамдиллаҳ, к-аз аввал хоксорам.

Ҳар қанча кўкка буй чўзмасин, ҳамма нарса охири тупроқ билан тенг бўлади. Худого минг қатла шукрки, мен аввал-бошдан хоксорман (камтарликда мисли тупроқман).

Бо даҳони хушқу чами тар қаноат кун аз он-к, Ҳар ки қонъ шуд ба хушқу тар шахи баҳру бар аст.

Қуриган оғизу ёшли кўзга қаноат қил, чунки қаноат соҳиби қуруқлик ва денгизнинг, яъни ер юзининг султони бўлади, демишлар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ЛАЙПЦИГЕР ФОЛКСЦАЙТУНГ» САҲИФАСИДА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ МАВЗУСИ

САКСОНИЯ ФЕДЕРАЛ ЎЛКАСИДА НАШР ЭТИЛАДИГАН ЕТАКЧИ ГАЗЕТАЛАРДАН БИРИ — «ЛАЙПЦИГЕР ФОЛКСЦАЙТУНГ»-ДА ГЕРМАНИЯЛИК ЖУРНАЛИСТ МАТИАС ОРБЕКНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЛЕЙПЦИГ ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙИГА ТУҲФА ЭТГАН СОВГАНИ, ЯЪНИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ХУНАРМАНДИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИГА БАГИШЛАНГАН МАҚОЛАСИ БОСИЛИБ ЧИҚДИ.

«2007 йилнинг 26 апрелдан бошлаб Лейпциг этнография музейига ташриф буюрувчилар аънавий шарқ чойхўрлигидан

бахра олиш имкониятига эга бўлади. Чунки ушбу музей кўргазма залида ўзбек халқ амалий санъати бағишланган янги бўлим очилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикасига бағишланган турли хил маданий тadbирлар ҳам ўтказилади», деб ёзади муаллиф.

Ўзбекистон халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси кўплаб лейпцигликларга илгаридан маълум. У бир пайтлари собиқ герман-совет дўстлик уйида жойлашган эди. Кейинроқ, яъни у ўз фаолиятини тугатгандан сўнг ўзбек экспозициясига тегишли қисм Лейпциг этнография музейининг тасарруфига ўтказилди.

— Ҳозирга қадар ушбу коллекция етарли даражада тўлиқ эмас эди, — дейди музейнинг Шарқ санъати бўлими раҳбари Марита Андо «Лайпцигер Фолксцайтунг» газетаси муҳбирига берган интервьюсида. — Аммо

яқинда бу муаммони ҳал этишга муваффақ бўлди. Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси музейимизга юздан ортиқ халқ амалий санъати маҳсулотларини туҳфа этди. Улар орасида гиламлар, сўзана, турфа хил миллий бош кийимлар, чинни буюм ва шамдонлар бор.

«Ўзбекистон бўлими музейдан муносиб ўрин эгаллади. Энди музейга келувчилар Индонезия, Таиланд, Шри-Ланка, Хиндистон, шунингдек, Шарқий Осиё, жумладан, Хитой, Япония, Узоқ Шарқ (Россия), Яқин ва Урта мамлакатлари халқларининг амалий санъати бағишланган экспозициялар билан бир қаторда ўзбек халқининг маъруф ва сеҳрли санъати билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлишди», — деб ёзади газета.

«Жаҳон» АА Берлин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING 2003 ЙИЛ 25 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «НИХОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ЎТГРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИ ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ (ФҲД) ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЗИММАСИГА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАДИ

СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАҚЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Қуриётган янги оиланинг тамал тоши мустаҳкам шаклланиши учун, аввало, келин-куёв соғлом бўлиши зарур. Бу эса соғлом авлод дунёга келишининг энг муҳим шартларидандир.

ФҲД ходимлари бундай хайрли ишларнинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, соғлом авлоднинг вояга етказиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошироқдалар. Тизимдаги мавжуд икки юздан зиёд идора ва никоҳ уйларидаги «Оила мактаби» ўқув дастурлари шу мақсадга хизмат қилляпти. «Тиббий кўрик» бурчакларида эса мавзуга оид кўплаб маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин.

Қарор кучга кирганидан буён мамлакатимизда тўрт юз мингдан зиёд никоҳ қайд этилиб, турмуш курганларнинг деярли барчаси тиббий кўриқдан ўтди. Аниқланган айрим касалликларни никоҳдан олдин даволаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигида ФҲД органлари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда шулар ҳақида сўз борди. Тизимнинг масъул ходимлари иштирок этган тадбирлар бу йўналишдаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бартафоз этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири

Спорт

Футбол

ҲАКАМЛАРИМИЗ СИНГАПУРГА БОРИШАДИ

Кейинги йилларда халқаро мусобақаларда Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам иштирок этиб, учрашувларни бошқариб келишаётгани ушбу соҳа ривожини йўлида озми-кўпми ислохотлар амалга ошаётганидан далолат беради.

Маълумки, 7 февраль кун китамизда 2008 йилда Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган Ёзи Олимпиада ўйинларига футбол бўйича саралаш мусобақаларига старт берилади. Шуниси қувончлики, айнан шу кун

ўтадиган Сингапур—Покистон терма жамоалари баҳсини ўзбекистонлик ҳакамлар бошқаришади. Учрашувга Рустам Саидов бош ҳакамлик қилса, унга Арслон Хотамов, Виктор Серазитдинов ва Валентин Коваленколар кўмак беришади.

«СЛОВАН» МУРАББИЙЛАРИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАСИГА НОМЗОД, МУБОРАКНИНГ «МАШҒАЛ» КЛУБИ ХУЖУМЧИСИ АЗИЗ ИБРОХИМОВ ЭНДИ БРАТИСЛАВНИНГ «СЛОВАН» ЖАМОАСИ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.

Гап шундаки, Словакия олий лигасида иштирок этувчи «Слован» жамоаси мураббийлари Азиз Иброҳимов ўйинларини кузатиб, 19 ёшли ўзбек футболчиси ўз сафларида кўришни хоҳлаб қолишди. Азиз жамоа кўригидан ўтгач эса у билан «Слован» жамоаси ўртасида шартнома имзоланди. Тўғри, ҳали шартнома муддати ва пули борасидаги маълумотлар ошкор этилмаган бўлишига қарамай бу Азиз учун катта имконият ҳисобланади. Сабаби, Россия ва Украина чемпионатларини ҳисобга олганда Азиз Иброҳимов Европада тўп сураётган иккинчи ўзбекистонлик футболчидир. Азиздан аввал эса Илёс Зейтуллаевга Италиянинг «Ювентус» клубининг футболчиси деган шарафли ном насиб этган эди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бу — қизиқ!

ДОНО БЎЛИБ ТУФИЛГАН НОРАСИДАЛАР

РОССИЯЛИК ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПСИХОТЕРАПЕВТ НАТАЛЬЯ ДЕМИНА «ЎЗИНГИЗДА БОР СИРЛАР» НОМЛИ КИТОБИДА ЁШ БОЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИДАН ҲАЙРОН ҚОЛДИРАДИГАН МИСОЛЛАР КЕЛТИРАДИ.

1727 йили Германиянинг Лобек шаҳрида турилган Кристиан-Генрих Рейнекан исмли бола туғилиши билан гапирга бошлаган экан. Ажабо! Буни қараг-а! У бир ёшида католик динининг бир китобини, икки

ёшида иккинчисини ўқиб тамомлабди, 2,5 ёшида 80 минг лотин сўзини ўрганибди.

Уни бир кун Дания қироли ҳузурига таклиф қилишиб, француз тилида ҳар хил мавзуда савол-жавоблар ўтказишди. Боланинг зийраклиги қирол қойил қолдибди. Афсусланарлики шундаки, Кристиан-Генрих ўзининг қайси кун вафот этишини ҳам айтиб берган экан. У тўрт ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Францияда ҳам Жан Кадьяк исмли бола туғилиб, ўзининг жуда ақли эканлиги билан ҳаммани хангу манг қолдирган экан. Қобилиятли норасида уч ёшида лотин тилини,

олти ёшида грек ва яҳудий тилини билган. Жан Кадьяк етти ёшида вафот этган.

Оламнинг чекка-чеккасида учрайдиган шундай аҳойиб-ғаройиботлар илмий тилда реинкарнация, яъни (руҳнинг алмашиниши) дейилади. Бироқ ҳали бешикдан бошини чиқариб улгурмаган қобилиятли норасидаларнинг озгина вақт ичнда аҳойиб-ғаройиботлар билан учган юлдузлардек оз умр кечиришини нима билан тушунтириш мумкин?

Қидирбой ТЎЛАБОВЕВ, тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 22 февраль кун соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган куйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар жиноий ишлар бўйича судининг 2006 йил 25 май кунги ЖСК-1-177/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган Чилонзор тумани, Алгоритм мавзесида жойлашган «2А-автостоянка»да сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 В 3698 бўлган ВА3-2107 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 758 374,2 сўм.

2007 йил 22 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 27 февраль, 1, 6, 13, 15, 20, 22, 27, 29 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига кўйилишини маълум қиламиз.

Ҳамда 2007 йил 13 март кун соат 11 00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига банкрот деб топилган «BAXT BILOL» хусусий корхонаси ва «МЕДИТЕКС» масъулияти чекланган жамиятининг тугатиш бошқарувчиси томонидан куйидаги мулклар кўйилмоқда:

1. Олий Хўжалик судининг 2006 йил 5 декабрдаги №10-0510(20)977-сонли қарорига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 26-дахаси манзилида жойлашган «BAXT BILOL» хусусий корхонасига тегишли мол-мулклари.

Бошланғич баҳоси — 889 065 643 сўм.

2. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги №10-0617/4020-сонли ҳал қилув қарорига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Дилкаш кўчаси 2-уй манзилида жойлашган «МЕДИТЕКС» масъулияти чекланган жамиятига тегишли ишлаб чиқариш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 991 507 545,44 сўм.

2007 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган мулклар 2007 йилнинг 15, 20, 22, 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига кўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юрidik ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг куйидаги; АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000500571452057 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DV 001 №000004

Мунажжим башорати

КУТИЛМАГАН ҲОДИСАЛАР КУНИ

7 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Ҳа, мунажжимларимиз таъбирига кўра, Куёшнинг Қовга буржининг 19-даражасида бўлиши кутилмаган воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлишимизга олиб келаркан.

Ой сайёраси қувватларининг Лилит билан кўшилиши одамнинг дунё ишларига онг-шуурсиз муносабатини англайиб, инсон ўз эҳтиёсизлиги оқибатида тушиб қоладиган нуқолай вазиятлар гирдобидан оғохлантиради.

Бугунги кун Куёш таквимининг энг мураккаб кунларидан бири бўлиб, одамларни қўполлик ва номуносиб хатти-ҳаракатларга ундар экан. Тақдир ҳаммамизни гўё сотилиш ёки сотилмаслик синовидан ўтказиши ва ҳар турли иккюзла-мачилар билан муомалада қатъиятли бўлишни талаб этади. Бугун яна салбий эҳтиросларга берилиш, ўз шерикларингиз ва рақобатчиларингиз ишларини ноҳолис баҳолаш хавфи кучли бўлиб, шунга мутаносиб хатоларга йўл қўйишингиз мумкин.

Шу кун ҳаётнинг маънавий жиҳатларига кўпроқ таяниш фойдали бўлади. Ўзингиз учун энг муҳим бўлган мақсадларга диққатингизни жамланг ва ҳеч шубҳасиз сиз уларга эришасиз.

БУГУН:

- янги ишни бошлаб юбориш;
— молиявий масалаларни ҳал этиш;
— ирода кучингизни намойён этиб, анча жиддий, мураккаб муаммолар ва оғир ишлар билан шуғулланиш;
— биринчи навбатда жамоавий, корпоратив манфаатлар тўғрисида қайғуриш;
— мутахассислар билан маслаҳатлашиб олиш;
— имижингиз ҳақида қайғуришингиз тавсия этилади.

Фақат ўзингиз ҳақингизда ўйлаб, худбинлигингизни намойён этишингиз, феъл-атворингиздаги салбий жиҳатларни ошкор этишни маслаҳат берилмайди.

Исиргангизнинг тушиб қолиши ёки маржонларнинг сочилиб кетиши бугун йўқотишлар ва мағлубиятлар даракисини ҳисобланади. Тасодифан устингизга сув тўкилиши зарур кўмакка эга бўлишингизни билдирувчи яхшилик аломати.

Кийимлардан қора, қизил ёки тўқ сариқ-яшил тусли либосларга устуворлик берганингиз маъқул.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-тектириш институти ва клиникаси жамоаси бўлим мудирини Ақида Сайфутдинова Қамбаровга ўғли

Хусрав ҚАМБАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 107

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4398 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийет-матбос аниқдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6